



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 20 aprel № 16 (449)

Sotuvda narxi erkin



Давлат аюла назоратининг санкциялаш ва шикоятлар билан ишлаш бўлими бошлиги Иzzatulla TУRAKULOV тажрибали, синчков мутахассис сифатида жамоадошлари эътиборини қозонган.

T. LUTFULLAEV
суратга олган

«ТАҚДИМНОМА» МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

«Тошкент почтами» акционерлик жамияти жамоасининг навбатдан ташкари йигилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ахолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига нафака тарқетишда Почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимида йўл кўйилётган конунчизарликларни бартараф этиш юзасидан таддимномаси мухокама этилди. Ушбу долзарб ва айни пайтда муаммоли бўлган масала юзасидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорири ўринбосари М. Махмудов маъруза килди. Шундан сўнг муҳокараларда «Тошкент почтами» АЖнинг пул ва почта жўнатмаларини саклаш комиссияси раиси К. Алимов, Мирзо Улугбек туманларро филиали пул ва почта жўнатмаларини сак-

лаш комиссияси раиси Н. Гафарова ва Шайхонхура туманлараро филиалининг инструктор тафтишиси Т. Чашкинлар сўзга қишиди. Улар «Тошкент почтами» АЖ тизимида ги пул маблагларин ва почта жўнатмаларининг сакланыш холати прокуратура тақдимномасида кўрсатилган камчиликларни бартарап этиш юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида гапидилар. Келгисида бундай қўнгилсиз холатларга йўл кўймаслик учун кескин чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги хакида таклифлар билдириши.

Йигилиши сўнгидаги «Тошкент почтами» АЖ директори Ю. Мирсаотов якунловчи нутк сўслаб, бу борада белгиланган вазифалар тўғрисида маълумот берди.

X. KARIMOV

КАБЕЛ ЎФРИЛАРИ УШЛАНДИ

Якинда «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акционерлик жамияти Миробод филиалининг Сирғали 1, 7, 8 мавзеларида 4400 сифими, 80 метр кабел ўйрланди. Ўфрилик қилган иккича нафар жиноятиччи воеа жойида дархол кўлга олинди ва улар устидан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Ушбу нохушлик туфайли телефонлари ишламай қолган 4900 абонент мушкулоти корхона ходимларининг тезкор сайд-харакатлари туфайли ҳал этилди.

уз мухабиримиз

**Республикамиз муста-
клилликка эришгач, телевидение соҳасида ҳам
кatta ўзгаришлар рўй
берди. Ҳусусан, «Камалак-ТВ» Узбекистон-Америка
кўшима корхонаси
ана шундай имкониятнинг
мевасидир. Кўшима корхона
на Узбекистонда сунъий
йўлдоша орқали теледас-
турларни Тошкент шаҳри
ва Тошкент вилоятини
худудларига узатадиган
ягона компания хисобла-
нади. Кейинги пайтларда
хонадонларга «Камалак-
ТВ» антенналарини ўрна-
тиб бераман» дегувчи фи-
рибгарлар пайдо бўлмоқ-
да.**

Фирибгарлар компания сигналларини турли усуллар билан тутиви жиҳозларни истеъмолчиларга яширича сотишмокда ва ўрнатиб бершишмокда. Ваҳоланки, узатиш ва қабул қилиш искунларни тўлалигича «Камалак-ТВ» кўшима корхонасига тегиши бўлиб, техник хизмат кўрсатиш вазифаси ҳам унинг зиммасидадир. Ўзгалир мулкига руҳсатсиз эгаллий килиб, ундан тижорат мақсадида фойдаланувчиликларни қароқчилар дейиш мумкин. Хўш, «Камалак-ТВ» компанияси дастурларидан ноконуний равишда фойдаланувчilar аслида ким ўзи?

Биринчиси – кабелчи никоби остида иш кўриб, кўшима корхонанинг кўрсатувларини хуфёна тарзда ка-

бел телевидениеси тармоғига уловчилар. Улар очиликни ташкил этишсада, барбири қонун бузилмокда. Шунинг учун эндиликда мавжуд ўзбошимчаликка барҳам бериш мақсадида Тошкент кабель телевидениеси уюшмаси «Камалак-ТВ» кўшима корхонаси билан фаол ҳамкорликни бошлади. Бу ҳамкорлик албатта ўз самарасини беради деб ўйлаймиз.

Иккичиси – анча сермахсул «ишбилиармон»лар. Улар компания кодини билиб олиб, «Камалак-ТВ» сигналларини қабул қилиш имконини берадиган курилмаларни бозорда (асосан Тезековкада) сотишади. Одатда телевизор ва видеомагнитофонларга уланадиган бундай курилмалар учунчилик қиммат бўлмайди. Чунки уларни «уста»ларнинг ўзлари ясайдилар. Бу курилмалар телевизорнинг бир меъёрда ишлашига доимо ҳам тўғри келавермайди ва уни ишдан чиқариши ҳам мумкин.

Учинчиси – энг хафвлиси. Булар – ҳақиқий жиноятичилар бўлиб, «Камалак-ТВ» искунини ўйирлаб сотадилар. Ушбу ўйирланган искунлар билан кўлга тушган мижоз ҳам ўйрининг шериги сифатида вогъбарликка тортилади.

Хўш, бундай товламачилардан ҳимояланниш чоралари борми? Албатта бор, «Камалак-ТВ»нинг хизмат кўрсатиш сакланувчиликларни қароқчиларга тарзда ка-

нома ҳар бир мижоз билан алоҳида тузилиб, кўн рангили муҳр билан тасдиқланади. Фирибгарларнинг «Камалак-ТВ» ходими сифатида шартномаларнинг ксеронусхаси билан мижозларни алдаб кетмаслиги учун шундай қилинади. Компания ходимларни хизмат кўрсатиш жараёнида ўз гувоҳномалари билан юришиади. Фирибгарларда эса бундай имконият йўк. «Камалак-ТВ» билан мижозлар қонуний муносабат ўрнатгач, уларнинг манфаатлари ҳамиша ҳимоя қилинади. Хизмат сифатидан қоникмаган мижоз истаган вактда компанияяга мурожаат қилишга ҳақди ва унинг талаби ўз вақтида қондирилади.

Табиийки, фирибгарларнинг бундай қофалатларни беришга қалбаки ҳуҗжатлари асос бўлолмайди. Улар куруқ ваъдадан нарига ўтишади.

«Камалак-ТВ» компанияси юкорида айтилганидек, истеъмолчиларнинг манбаатларини ҳамиша биринчи ўринга кўяди. Зоро, у абонентларга юқсан сервис хизмати кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир компанияда ўз мижозларини фирибгарларнинг товламачиларидан техник восита-лар ёрдамида ҳимоя қилиши чоралари кўрилмок-да.

Иzzat AХMEDOV

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Матбуотда «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий испохтотларни чиқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ўзлон қилинди.

• Токиодаги «Коника» фотосалонида «Ўзбекистон – Буюк ишларни ўйладиги мамлакат» номли кўргазма намойиши якунланди.

• Латвиялик «учар»лар илгари энг катта даромадни икона ва қадимий санъат асарларини хо-

рижга сотишдан оларди. Бироқ энди бундай нарсалар сони камайиб колгач, латвияликлар яхшилаб таъмирланган антиквар мебелларни сотишдан кўпроқ фойда кўрмокда.

• Жорий йилнинг ўтган учойи мобайнида Россия чегара хизмати ходимлари томонидан 28 миллион рубл ва 180 минг доллардан ортик контрабанда маҳсулотлари мусодара килинди.

• Япония олимлари компьютерга бегона кишиларнинг киришини юз фойз

КАШҚАДАРЁ ПОЧТАСИ: ИЗЛАНИШ, САМАРА ВА МУАММОЛАР

Алоқа техникаси ва технологияси тез суръатлар билан ривожданаётган бир даврда почта алоқасининг булуғи ахволи кандай? Эртанинг куннинг почтаси кандай бўлиши керак? Мухбиримиз ана шундай саволлар билан «Кашқадарё почтаси» акциядорлик жамиятиниң бош директори Умид МатматовиВОХИДОВга мурожаат** килди.**

— 1992 йили почта электралоқасидан ажralиб чишиб, мустақил алоқа корхонаси сифатида фаолият кўрсата бошлиған эди, — дейга бошлади Умид ака. — Турил сабабларга кўра почта соҳасида иш хажми камайб қолди. Демак, почтанинг мавқеини саклаб колиш учун уни ислоҳ қилиш лозим эди. Ана шу эҳтиёж боис узок йиллардан бўён давлат корхонаси бўлиб келган почта корхоналари акциядорлик жамиятилаrigа аллантирилди. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилиб, вилоят почта корхоналари «Ўзбекистон почтаси» ДАК таркибига киритилди. Акцияларимизнинг 25 фойзи ходимларимизга, 40 фойзи «Ўзбекистон почтаси» ДАКга, 35 фойзи эса давлат мулкўмитасига тегди. Мулк шакли ўзгарни билан ихобий ўзгариш дарров сезилмади. «Кашқадарё почтаси» АЖ 1998 йилни 4,65 млн. сўм зарар билан якуплади. Акциядорларнинг 1999 йилдаги умумий иғлилишида эса бош директорлик мени сайлашди.

Хуллас, вазият нюхоятда жиддий эди. Почта ишини жонлантириш, ходимларнинг менга, мижозларнинг почтага бўлган ишончни оқлаш за-

рур эди. Корхонанинг ночор ахволга тушиб қолган молиявий ахволни тикиш максадида аввало, ноањанавий хизматлар – газ, электр энергияси ва телефон хизмати учун тўловлар кабул килиши жорий этдик. Газета сотовуни йўлга кўйдик. 1999 йили 109 минг нусха газета сотилган бўлса, 2000 йилда бу ракам 134 мингга етди. 1999 йил учун 237 млн. сўмни обуна биз орқали амалга оширилган эди. 2001 йил учун эса 344 млн. сўмни обуна қабул килиниб, шунинг ўзидан 56 млн. сўм соф даромад килдик.

Эндиликда акциядорлар дидиенде, мукофот пули, рағбатланирувчи мукофотлар ола бошлидилар. Колаверса, корхонамиз жамоасининг айрим аъзолари меҳнати хукumatimiz ва агентлик томонидан хам муносиб бахоланди. Карши шахар 17 алоқа бўлими телеграфчиси Люция Люманова агентликнинг «Ўз касбининг устаси» фахрий унвонини кўлга киритган бўлса, Карши шахар филиали алоқа бўлимининг оператори Зулайхо Каюмова эса «Шуҳрат» медалига савор бўлди. Корхонамиз бош хисобчиси Н. Наумова агентликнинг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Корхонамизнинг Карши филиали ва 14 та туман филиалларида жами 1200 та ходим хизмат қиласди. Шулардан 650 нафари почта ташувчилардир.

Ишимизни яхшироқ тасаввур

килишингиз учун биргина Чирокчи филиали мисолида бъязи ракамларни келтирмоқчиман. Чирокчи тумани майдони 400 минг гектарни ташкил этади. Шу боис, филиалда марказий почта бўлиминдан ташқари яна 39 та почта бўлими бор, уларда жами 116 киши меҳнат қиласди. Туман марказидан 80-90 километр масофада жойлашган алоқа бўлимини ҳам бор. Шундай катта худудли туманга бор-йўғи иккита «Дамас» ва битта «Тико» автомасинаси почтанин таркитишга мажбур. Энди бир тасаввур килиб кўринг машиналар йўналишлар бўйича кетган бир пайдад зудлик билан етказилиши лозим бўлган телеграмма келиб қолади. Уни вақтида етказиб бериш эса бизнинг бурчимиз. Шу боис йўналишдан келган машиналардан бирини шу телеграмма деб яна узок масофага жўнастига етказиши билан қанчага тушини хисоблаб чиқиш кийин эмас.

Шунга карамасдан хурсанд бўлиминиз керакки, почта соҳасига ҳам замонавий техника ва технологиялар кириб келмоди. Акционерлик жамияти идорасида ҳозир 10 та компьютер ишлаб турибди. Филиалларимиз 80 фойз компютерларни тақдирланган. Уларга асосан обуна-га даҳлдор ахборотлар, АЖнинг молиявий иктисодий кўрсатки-

лари киритилган. Энди маҳаллий компьютер тармоғини ташкил килишини режалаштириб туримиз. Яқин кунларда Шахрирабзаб саҳибга ташкиллари билан модем алоқасини йўлга кўймоқчимиз.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳаммаси бўлиб 33 та автомасинамиз борлигига қарамасдан филиаллар билан ҳафтасига беш марта почта алмашувини амалга оширишга ҳаракат қилаётган бўлса, бензин муаммоси ҳануза ҳал бўймай келяпти. Бизга ахратилган бензин микдори ҳам нюхоятда чекланган. Бундан ташқари, биласи, кишлоп жойлардаги почта бўлиминларининг аксарияти собиқ колхоз ва совхозларнинг мавзумий биноларнида жойлашган эди. Уларнинг ўринида фермер хўжаликларни ташкил бўлиб, бу бинолар шу хўжаликларнинг мулкига айлангач, почта биноларни ўз балансизмизга ўтказишимида тўғри келяпти. Уларнинг кўпчилиги эса таъмрилалаб бўлиб, эпакага келтириш ҳам ўзимизнинг зими-мизига тушади.

Кўпгина вилоятларда «Алоқабанк»нинг филиаллари очилган. Бизда эса йўқ. Истагимиз газета орқали «Алоқабанк» раҳбарларига етиб бориб, масала ҳал бўлса, Кашқадарёда ҳам Почтабанк хизматини йўлга кўйган бўлардик.

Фурсадтан фойдаланиб, обуна масаласи ва ўзимизнинг «Ха-

бар» газетаси ҳақида ҳам иккига гапирмоқчиман.

Обуна борасида ўсиш бўяляти. Масалан, 2000 йили 66390 та газетага обуна бўлинган бўлса, 2001 йили бу ракам 67553 тага етди. «Хабар» газетасига келсан, шахсан мен ҳар бир соҳанинг ўз нашри бўлиши керак деган катый Фикрдаман: Шу нуткай назардан «Хабар» газетасининг ташкил этилиши ва мунтазам чиқиб туриши айни мудда-дир. Ходимларимиз «Хабар»ни севиб ўқишиади. Обуна ҳам шунга ярасча. Масалан, Бешкент филиалида 70 та одам ишлайди. 2000 йил учун улар «Хабар»га 63 та обуна бўлишган эди. 2001 йили обуничилар сони 224 тага етди. 2000 йилда «Хабар»нинг вилоят бўйича обуничиси 949 та эди. 2001 йил учун бу ракам 1191 тани ташкил этиди. Бу борада вилоятимизнинг кўпгина туманларида ўтган йилдагига қараганда анча ўсиш бор. Умуман, обуна борасида кўп нарса жойлардаги раҳбарлар ва мутасадиларга ва... нашрнинг ўзига боғлик. Агар газета соҳа янгиликлари, муаммолари, ютуқ, ва камчиликларини изчилик билан ёритиб бориб, соҳа фидойиларининг ибратор-муз ишларни ўқувчиларга етказиб турса, шунингдек, алоқанилар билан доимий ва мустаҳкам муносабатда бўлса, муштариylар сони ўз-ўзидан кўпаяверади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Хабар»нинг
махсус мухбари
Тошкент-Карши-Тошкент

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ МУКАММАЛ ЎРГАНАЙЛИК

Мустакил юртимизда демократик таомилларга асосланган хукукий давлат куришга бел боғлаган эканмиз, фуқароларнинг ўз ҳақ-хукуклари ва бурчарни мукаммал билишлари мухим аҳамиятга эгадир. Шу боис, Президентимизнинг 2001

йил, 4 январдаги «Конституцияни ўрганиш тўғрисида»ғи Фармони айни муддао бўлди. «Намангандарга почтаси» акционерлик жамиятида конституцияни ўрганиши дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир филиал ва алоқа бўлиминларида Конститу-

циини ўрганиш бурчаги ташкил этиш тавсия этилди. Бу ишлар аввало, чекка туманлар ва қишлокларда амалга оширилияти.

Б. БОЛТАБОЕВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Намангандарга почтаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХОЛИСИ ВА МЕХМОНЛАРИ ДИҶКАТИГА

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Республикаси худудига 10 кігдан 40 Гц тўлклинилар оралигига ишловчи сертификати бўлмаган радиотелефонлар, радиотаркетчи курилма асбобларини РУХСАТНОМАСИЗ ОЛИБ КИРИШ ТАЪКИЛАНАДИ.

Радиоэлектрон асбоблар туркумига барча радиотаркетчилар, шу жумладан:

Ўзик мософаға мўлжалланган радиоузатгичлар; Симсиз телефонлар (радиотелефонлар); Кўлда олиб юрилувчи (портатив) радиостанциялар киради.

Ўзбекистон Республикаси худудига руҳсатномасиз олиб кирилган ҳамда сотилаётган ва фойдаланилаётган радиоэлектрон воситалар ўрнатилган тартиб бўйича олиб кўйилади.

Республика худудига ушбу радиоэлектрон воситаларни руҳсатномасиз олиб кирган, сотилаётган ва фойдаланаётган ШАХСЛАРГА НИСБАТАН АМАЛДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА МУВОФИК ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ.

Харид қилиш, сотиш ва фойдаланиш руҳсатномасиз олиш учун Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИГА мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, 700099,
Амир Темур кўчаси, 117-й.

Телефонлар: 137-63-67; 137-63-68; 35-53-87.

Электромагнит мослашув маркази

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти Алишер Навоийга бағишиланган почта маркалари тўпламини мумалага чиқарди. Унда Навоий асарларига ишланган миниатюралар тасвирилган. Кўп нусхада чоп этилган ушбу янги почта маркаларининг баҳоси 60, 70, 80, 90 ва 125 сўмлик.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган 20, 30 сўмлик стандарт почта маркалари ҳам мумалага чиқарилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси котибият етаки мутахассиси Собира Махкамовага отаси Туғрун ЙўЛОДШЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«ALSKOM» акциядорлик жамияти Суғурта компанияси ўз акциядорларига акциядорларнинг йиллик умумий иғлилиши 2001 йил, 15 май, соат 10.00 да ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги (Тошкент шаҳар, А. Толстой кўчаси, 1 ўй.) биносида ўтказилишини мавъм килади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания фаолиятининг 2000 йилдаги асосий натижалари тўғрисида бош директор хисоботи.
2. Акционерлик жамиятининг 2000 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти, натижалари тағтиш комиссиянинг хисоботи.
3. Компания Кузатув кенгаси таркибини ўзгариши.
4. Компаниянинг 2001 йилги бизнес-режиссияни тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2000 йилги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун аудиторни тасдиқлаш.
6. 2000 йил учун дивидендорларни тасдиқлаш.
7. Хорижий инвесторларга берилган а撬иляр бархосининг курс бўйича ўзгариши.
8. Компания Устав фондини ошириш.
9. Компания бош директорини тасдиқлаш.

«ALSKOM» акциядорлик жамияти Суғурта компаниясининг 2001 йил, 1 январ холатига БАЛАНСИ

| АКТИВ | ПАССИВ | | |
|---------------------------------------|--------|--|-------|
| Кўрсаткичлар номи | СУММА | Кўрсаткичлар номи | СУММА |
| 1. Асосий виситалар (кредит, киймати) | 3126 | 1. Устав фонди | 60470 |
| 2. Ўзик муддатли инвестициялар | 10662 | 2. Таксимланмаган фонды | 3481 |
| 3. Ишеб чиқариш зерарлари | 733 | 3. Захира фонdlари | 7436 |
| 4. Туталланмаган ишлаб чиқарish | 9045 | 4. Келгуси давр даромадлари | 20245 |
| 5. Келгуси давр жарҳатлари | 72088 | 5. Олигант аванслар | 26668 |
| 6. Пул мабллаглari | | 6. Биржектан хисоблашув | 442 |
| 7. Кулоқ муддатли киймалар | 2500 | 7. Мехнатта ҳақ тўлаш бўйича хисоблашув | 404 |
| 8. Дебиторлар | 442 | 8. Ихтиёмий суюрта ва таъминот бўйича хисоблашув | 117 |
| 9. Таъсисчилар билан жиоблашишлар | 20855 | 9. Биржектдан ташкири фонdlар бўйича хисоблашув | 140 |
| BALANS AKTIVI BЎЙЧА ЖАМИ | 119451 | 10. Бошқа кредиторлар | 48 |
| BALANS PASSIVI BЎЙЧА ЖАМИ | 119451 | | |

Баланс кўрсаткичлари хижийилиги «AUDITOR 777» Аудиторлик фирмасининг аудиторлик хуносаси билан тасдиқланган.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ



COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланини!

Донолардан бирининг шундай ибратли гапини ўқигандим: «Инсон қалбининг факат санъат биланни очиладиган копкокчани бўлади». Ҳақ гап. Болаликдан гўзалликка, нафосатга ошно этиб тарбияланган одамнинг маънавий дунёси ҳам соғон бўлади. Ҳамма гап ана ўша маънавиятни тўғри тарбиялашда! Сир эмас, ўтиш даври бу борауда муайян қўйинчиликларни туғдирмоқда. Ёшлар китоб ўқимай кўйди, улар мумтоз адабиётимиз ва санъатимизга қизиқишмайди дег нолийлизи бу борада дадилроқ амалий ишга кўл ургимиз келмайди. Кундалик икир-чикирлар, турмуш ташвишларидан устун туролмаймиз.

Дарвоже, камтарлникини ўғишишириб қўйиб айта колай, худди шу масалада якинда ўзим шахсий намуна кўрсатдим. Нима кидингиз дейсизми? Рассом ўғлим Алишер билан Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида давом этаётган Наврӯзга багишланган расмлар кўргазмасини бориб томоша килдик. У ердан чиқиб, Юнус Ражабий уй-музейига бордик. Эски танишим, уй-музей директори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ота-

сининг бой мусикий мероси, ҳәти ва ижодига дахлдор, диккатга сазовор экспонатлар ҳақида мароқ билан, тўлкиниланиб ўқиоя қилди. Мадом кўйлари оғушида ҳофизинг дил сўзларини тинглар-

сом ўғлимнинг ҳам мусикий меросимизга муносабати ўзгаргандек туюлди. Ҳасан аканинг мумтоз мусика расом ижодига таъсир этиши, бой мазмун, оҳанг багишилаши мумкинлиги ҳақидаги

санъат, маданият маркази бўлиб келган. Шу боис алломалару ижодкорлар табиий равища марказга интилганлар. Французларнинг «Ширлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ӯладилар» деган гапи ҳам бежиз айтилмаган.

Афуски, Тошкентда яшаб туриб, пойтахтнинг кенг имкониятларидан баҳрамонд бўлмай умр ўтказётганлар ҳам оз эмас. Хориждан келган меҳмонлар биринчи галда Тошкент, Самарканд, Бухоро, Ҳиванинг тарихий, меъморий обидалари, бетакор манзаралари, музейларини томоша қиласидар. Шундай экан, бебахо қадриятларимизни биринчи галда ўзимиз эъзозлашимиз, қадрига этишимиз лозим. Зоро, Ватанпарварлик аввало Ватанини, унинг бой тарихи ва қадриятларини ўрганишдан бошланади. Мустакиллик бу масалада бизга бекиёс имкониятлар берди...

Хар гал пойтахтнинг Амир Темур хиёбонида буюк сохибқороннинг мағарур қад ростлаб турган ҳайкални кўрарканман, кўнглимда чексиз фахрур туман.

Шодмон ОТАБЕК

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ... БОР


канман, факат буюк санъаткор алломамиз Юнус Ражабийнинг эмас, балки умум бебахо, бетакор, бой мусикия меросимизни ҳам кайтадан кашф этгандек бўлдим. Шу асномда беҳитйер мумтоз мусикия санъатимизга беписанд қарайдиган, уни тинглагаси келмайдиган ёшларга ачиниб кетдим. Кўнглимда кечайтган ўйларни пайқагандек, Ҳасан ака шундай деди: «Ёшларни мумтоз мусикимизга жалб килишини йўли бор. Боғчаларда, мактабларда мумтоз мусикимизни тинглаш, уни тушуниш соатларини ташкил этиш лозим. Бой меросимизни бешикдан бошлаб боланинг онгу-шуурига сингидириб бориш керак».

Назаримда, бу гапларни диккат билан тинглаган рас-

сўзларини Алишер бош силгиб маъкуллади. Ота-бала таассуротларимизни музейдафари ёзиг қолдирдик. Ҳасан ака билан яна тез-тез кўришиб туришга вайдалашшиб хайрлашидик.

Ташқарига чиқиб, Юнус Ражабий уй-музейининг шундак ёнида жойлашган атоқли ёзуви Абдула Қаҳҳор уй-музейига кўзим тушди. Пойтахтда бундан ташқари яна Ғафур Ғулом, Ойбек, Тамараҳоннинг уй-музейлари ҳам борлигини эсладим. Бу мұқаддас, табаррук даргоҳларни, оиласига бўлгуб томоша қилишини кўнглимга туғиб кўйдим. Негаки, олдингдан оққан сувнинг қадри... бор.

Пойтахтлар, йирик шаҳарлар азрўйи-азалдан илм-фан,



Табиат, ўзингсан гўзал ҳам сулув.

ИЧКИЛИК ҲАҚИДА

Мунтазам ичиш зарарлидир. У жигар ва мия фаолиятини бузади, асабни бўшаштириб, асаб қасаллигига ва бевакт ўйимга олиб келди.

Ибн СИНО

Ичкилик ичиш заҳар ичиш каби зарарлидир.

СЕНЕКА

Кўпгина тентак ва акли заифлар ичкиликка берилган отоналардан туғилади.

Ф. БЭКОН

Ичкиликка ружу кўйган аёллардан туғилган болалар ўз она-онарига ўшаган бўладилар.

АРАСТУ

Кимки ичса, у тубанлик йўлига кирган бўлади.

Ж. ЧОСЕР

ОТАНИНГ ҲАҚКИ

Бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхӣ васалламнинг хузурларига бир йигит келиб отасидан шикоя қилди:

— Эй Расулуллоҳ, отам менинг молимни олиб, ўзи истаганидай сарф қиласиди. Айтинг, менинг молимга тажовуз қилмасинлар, — деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхӣ васаллам йигитнинг отасини чақирилди. Ота Расулуллоҳ алайхиссаломнинг хузурларига келди ва йиглаб турбиди:

— Эй Расулуллоҳ, бир пайтлар ўғлим заиф, ёрдамга муҳтож эди, мен куч-куватга тўла эдим. У факир, мен бой эдим. Лекин хеч қандай овқатни ўндан кизгансам эдим. Энди эса қаридим. У улгайб, давлатли бўлди. Энди ўғлим мендан молини кизганиб, уни ишлатишими ман қиласиди:

— Сен ва сендаги мол отангницидир, — дея марҳамат қилдилар.

ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

Мушук кўпроқ сув ичса ҳаво айнииди. Кулала бўлиб ётса — ёмғир ёғади.

Ит бошини олд оёклари орасига олиб, ғужанак бўлиб ётса, совуқ бўлиши, кутилади.

Товуклар баландроқ жойга чиқиб, патларини тозаласа, ёмғир кутилади.

Товуклар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир узок ёғмайди.

Кузда чумоли уюми кўп бўлса, қиши қаттиқ, келади.

Қалдириғоч баландроқ учса ҳаво очик ва курук бўлади, пастлаб учса — ёмғир ёғиши мумкин.

Кора булутларнинг пастлаб, тез сузиги юриши узоқ давом этадиган ёмғир белгисидир.

Кечкурун шафак тўқ қизил бўлса, эртасига ҳаво очик бўлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Жиззах Телеком» шўйба корхонаси ва касаба ўюшмаси кўмитаси жамоалари Зарбор филиали иқтисадчиси Абдураҳмон НАМОЗОВни туғилган куни билан самимий табриклиди. Унга узоқ умр, сизмат-саломатлик, оиласиб баҳт ва келгуси ишларига улкан зафарлар тилайди.

«Андижон Телеком» акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба ўюшмаси кўмитаси жамоалари корхона бош директори ўринбосари Ҳасан ПАТИДИНОВни таъвудла куннари билан чин қалбдан табриклиди. Уларга баҳт-саодат, оиласиб аралари тинчлик-хотиржамлик тилаб қолади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЬАТИ:
Шомансур ОБИДҲУАКЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzat АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпӯлат МИРЗО
Рустам КОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёкубжон ҲЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Сайдмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбай АБДУЛЛАЕВ
Мехмонкул ИСЛОМИКОВ
Тўлиқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Таҳририята келган кўл ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтирилди. Маколалардаги фикр-муҳозасалар, келтирилган факт ва ракамлар маъсултияту муаллифлар зинмасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Даълат матбуат қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатта олинган.

Буюртма № Г-2339.
5107 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, жамки 1 босма табоб.
Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терниди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-й.

Босишига топширилди — 19.00
Босишига топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6